

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Санэпидосойишталикни сақлаш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар

Президентнинг «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони (25.07.2020 йилдаги ПФ-6035-сон) билан қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди.

1. Юқумли касалликлар, шу жумладан коронавируснинг олдини олиш, касаллиги симптомсиз, энгил кечаётган беморлар ва улар билан мулоқотда бўлган шахсларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳар бир оилавий поликлиника ва кўп тармоқли марказий поликлиникаларда мобил гуруҳлар ташкил қилинади.

2. Алоҳида хизмат кўрсатиш ташкил этилган тиббиёт муассасалари, улардаги бўш койкалар сони, касалларни қабул қилиш ҳолати, касалликка чалинган ва тиббиёт муассасаларида ҳамда бошқа рухсат этилган ҳудудларда даволанаётган беморлар сони, уларнинг ҳолати, дори воситалари, зарур лаборатория ва тиббиёт анжомлари ва техникасининг мавжудлиги ҳамда ҳолати юзасидан маълумотлар мунтазам равишда ОАВда эълон қилинади.

3. Аҳоли томонидан мурожаат қилинганда ҳамда уларда касаллик белгилари аниқланганда тезкорлик билан коронавирус инфекциясига таҳлил олиш ва таҳлил натижаларини 3 кунлик муддатда уларни шахсий телефон рақамлари орқали хабардор қилиш чоралари қўрилади.

4. Тиббиёт муассасалари ўртасидаги ахборот алмашиш тизимини содда-

лаштириш мақсадида ҳисоботлар тури, даврийлиги ва бошқа қўғозбозликлар билан боғлиқ жараёнлар электрон тизимга ўтказиш орқали кескин қисқартирилади.

5. Коронавирус касаллигига чалинган беморларга уй шароитида ёрдам кўрсатишнинг қуйидаги тартиби жорий қилинади:

а) ҳар бир оилавий поликлиника кесимида умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси учун аниқ хонадонлар тақсимланади ҳамда оилавий поликлиника мудри томонидан умумий назорат амалга оширилади;

б) ҳар бир туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасида:

✓ тажрибали шифокорлардан иборат бўлган касалликка чалинган беморларнинг саралаш ва эвакуация қилиш, даволаш жараёнини мониторинг қилиш гуруҳлари тузилади;

✓ бирламчи бўлин шифокорлари билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг врачлари ўртасида оператив маслаҳатлашиш ва беморлар аҳолини тўғри баҳолай олиш имконини берадиган алоқа тизими ўрнатилди;

в) оилавий поликлиника мудри ҳар куни касаллиги симптомсиз, энгил кечаётган беморлар, улар билан муло-

қотда бўлган шахслар сони, аҳоли, шунингдек, даволаш муолажаларини олаётган беморларда касаллик кечиб динамикаси тўғрисидаги маълумотларни телефон ёки онлайн видеоалоқа тизими орқали туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмасининг оилавий поликлиникалар бўйича координаторига етказиб боради;

г) уй шароитида даволанаётган беморлар аҳоли динамикасида салбий ўзгаришлар кузатилган тақдирда мобил гуруҳга мурожаат қилиб, беморни тиббиёт муассасаларига ётқизиш чораларини кўради.

6. Кадрларга бўлган эҳтиёжни қа-
ноатлантириш мақсадида:

а) 14 кун муддатда – кишлоқ врачлик пунктлари, оилавий поликлиникалар ва кўп тармоқли марказий поликлиникалардаги мавжуд кичик ва ўрта тиббий ходимлар вақант жойлари тиббиёт таълим муассасалари битирувчилари, пенсионерлар ва бошқа тиббиёт мутахассислигига эга бўлган шахслар орасидан тўлиқ тўлдирилиши таъминланади;

б) 15 кун муддатда – тиббиёт муассасалари умумий клиник лабораторияларининг врач-лаборантларини вирусология лабораторияларида фаолият

кўрсатиши учун тайёрлаш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинади;

в) 20 кун муддатда:
✓ республикадаги олий таълим муассасаларининг «Биология» таълим йўналишини тугатган битирувчиларини Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ва унинг ҳудудий филиаллари, Тошкент тиббиёт академияси ва унинг ҳудудий филиаллари, Андижон, Бухоро ва Самарқанд тиббиёт институтларида вирусология лабораториясининг врач-лаборант мутахассислиги бўйича бир ойлик қайта тайёрлаш курслари йўлга қўйилади;

✓ Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини ошириш маркази ҳудудий бўлинмаларининг тиббий ходимларини «валеолог» мутахассислигига қайта ихтисослаштириш бўйича бир ойлик қисқа муддатли онлайн курслари ташкил қилинади;

г) барча тиббиёт олий таълим муассасаларининг давлат гранти асосида тахсил олган битирувчилари 1 йилгача бўлган муддатга вазият оғир бўлган ҳудудларга жалб қилинади.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.07.2020 йилдан кучга кирган.

Эльмира Сиразиева.

Аҳолига ипотека кредитлари бериш шартлари

Марказий банк Бошқаруви томонидан Аҳолига ипотека кредитлари ажратилишининг ҳадли шартлари тўғрисидаги низоми тасдиқланди (AB рақами 3269, 30.06.2020 й.).

Низом «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар, Президентнинг 13.05.2019 йилдаги «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5715-сон Фармонида мувофиқ ишлаб чиқилган.

Аҳолига ипотека кредити тижорат банклари томонидан тўловлилик, қайтаришлик, таъминланганлик ва муддатли шартларида қуйидаги мақсадларга берилади:

• қурилишнинг белгиланган нормалари ва қидаларига риоя қилиб яқка тартибда уй-жой қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш;

• янги қурилган ёки иккиламчи бозордан яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани сотиб олиш ёки ўзиникига алмаштириш;



• бошқа банklar томонидан ажратилган ипотека кредитларини мижозларга қулай шартларда қайта молиялаштириш.

Ипотека кредити:

• қурилатган уй-жойни у жойлашган ер участкаси билан бирга;

• ипотека кредити ҳисобига сотиб олинган ва белгиланган тартибда қарз олувчи мулкига ўтадиган яқка тартибдаги уй-жойни ёки кўп квартиралли уйдаги квартирани;

• қарз олувчининг мулки бўлган ва ипотека кредити ҳисобига реконструкция қилинаётган яқка тартибдаги уй-жойни гаровга қўйган ҳолда амалга оширилади.

Муомаладан олиб қўйилган ва бегоналаширилиши мумкин бўлмаган кўчмас мулк ипотека предмети бўлиши мумкин эмас.

Ипотека кредитининг муддати, ҳажми, фоиз ставкаси ва бошқа шартлари банкнинг ички кредит сиёсатида мувофиқ банк ва унинг мижози ўртасидаги келишувга асосан белгиланади.

Ипотека кредити ажратилишида қуйидагиларга риоя этилиши зарур:

• ипотека кредити тўловида муаммо юзага келганида мавжуд қарздорлиқни ундириб олиш учун ҳуқуқий жиҳатдан таъминотга банкнинг талаб ҳуқуқи мавжуд бўлиши;

• ипотека кредитининг фоизларини ва асосий қарзларини сўндириш учун қарздор тўловга лаёқатли бўлиши;

• таъминотга қабул қилинган кўчмас мулк гарови бозор нархларидан келиб чиқиб баҳоланган бўлиши;

• кредитни олишга ва мониторинг қилишга керак бўладиган барча маълумотлар банкнинг кредит сиёсатида мувофиқ ҳужжатлаштирилган бўлиши зарур.

Ипотека кредитини ажратишнинг барча босқичлари узоқ жараёни ташкил этишини ҳисобга олган ҳолда, банкнинг ички кредит сиёсатида кўрсатиб ўтилиши, шу жумладан унда ипотека кредитларини олиш имкониятига эга бўлган потенциал қарз олувчиларга мувофиқлик мезонлари ишлаб чиқирилиши зарур.

Хужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 30.06.2020 йилдан кучга кирди.

Лола Абдуазимова.

КАДРЛАР ХИЗМАТИ ХОДИМИ ЭЪТИБОРИГА

Меҳнат вазирлиги 833 касб бўйича стандартларни эълон қилди

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги mehnat.uz расмий сайтининг «Фаолият йўналишлари» бўлимида янги рукн – «Профессионал стандартлар» пайдо бўлди. Унда 833 касб ва мутахассисликлар бўйича ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти мавжуд ва ушбу база яна кенгайтирилади. Бу ҳужжатлардан қандай фойдаланиш мумкинлиги ҳақида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва жорий этишни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Элпа ГРАНОВСКАЯ гапириб берди.



Профессионал стандартларни ишлаб чиқиш Президентининг 6.09.2019 йилдаги ПФ-5812-сон Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 15.05.2020 йилдаги 287-сон қарорида назарда тутилган. Улар ўз ичига ходимларнинг барча касб билимлари ва маҳоратларини олган ҳолда компаниянинг кадрларга доир сиёсатини юрштишга ёрдам беради.

Стандартда талаблар шундай тарзда баён этилганки, уни тармоққа мансублигидан қатъи назар ҳар қандай ташкилотга қўллаш мумкин. Ўзига хос хусусиятга эга анча тор, тармоққа мансублиги билан шартланган талаблар ташкилот раҳбарияти томонидан тасдиқланадиган лавозим йўриқномаларида ёзилади.

Иш берувчи профессионал стандартларни қуйидагилар учун қўллаиди:

муайян малака даражасига эга ходимларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

кадрларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш;
меҳнатни оқилона тақсимлаш ва ташкил этиш;
ходимлар тоифаси ўртасида функциялар, ваколатлар ва жавобгарликни ажратиш;

қўлланиладиган технологиялар хусусиятларини инобатга олган ҳолда ходимларнинг меҳнат вазибаларини белгилаш;

ходимларни тайёрлаш (касбий таълим ва касбга ўқитиш) ва қўшимча касбий таълимни ташкил этиш;
меҳнатни ташкил этиш;
меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ўрнатиш.

Кадрлар бўлими ходими бундай профессионал стандарт ёрдамида:

номзод билан суҳбат ўтказиш, бунда ҳеч қандай муҳим нарсани эътибордан қочирмаслик имкониятига эга;

талабгорнинг тайёргарлик даражасини ва унинг қўйиладиган талабларга тўғри келишини аниқлаши мумкин.

Олег Гаевой.

Нима учун ЯММТ ходимни СТІР бўйича топмайди

Электрон меҳнат дафтарчаларига ўтиш чоғида кўп ташкилотларда кадрлар хизматлари СТІРни киритганда тизим жисмоний шахсни топмаган ҳолатга дуч келишди. Муаммони ҳал қилиш учун солиқ органларига мурожаат қилиш зарур. Вазиятни ДСҚнинг Рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари Комил САЙИДОВ тушунтирди.

— Мазкур муаммо бугунги кунда жуда долзарбдир. Афсуски, паспорт ёки прописка ўзгарганда СТІР маълумотларига киритилиши учун солиқ органларига янги паспорт ва прописка маълумотларини тақдим этиш зарурлигини ҳамма ҳам билмайди. Шу боис қачонки амалиётда СТІР хато билан чиқса, шунда бизга мурожаат қилишади.

Солиқ тўловчи уйдан чиқмасдан — mysoliq.uz орқали ўзгартиришларни киритиш учун зарур маълумотларни тақдим этиши мумкин:

➤ бош саҳифада «Ҳисобга қўйиш» тугмасига босинг;

➤ очилган саҳифада «Ҳисоб маълумотларини ўзгартириш» ҳаволабосига босинг;

➤ очилган шаклни тўлдиринг. Бунда сатрда «Жисмоний шахсларнинг ҳисоб маълумотларини ўзгартириш» вариантини кўрсатишни ва паспорт варақларининг скан ёки фотосини илова қилишни унутманг. Скан ёки фотодаги матн аниқ ва осон ўқиладиган бўлиши керак.

3 иш кунидан кейин ДСИ сизни аризани кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилади.

Олег Гаевой тайёрлади.

Ишдан бўшатиш ва ҳисоб-китоб

Корхона 26.05.2020 йилдан ходимни ишга қабул қилди. Бўйруқ билан меҳнат шартномаси 12.06.2020 йилда бекор қилинган.

Таътил кунлари сони 15 кун этиб белгиланганда ходимга неча кун таътил берилади?

— Ишга қабул қилинган ва меҳнат шартномаси бекор қилинган саналардан келиб чиққан ҳолда ҳисобланганда ходим корхонада 18 кун ишлаган, бу тўлиқ бир ой деб яхлитланади.

Ишланган давр учун фойдаланилмаган таътил кунларига компенсацияни ҳисоблаш учун тўлиқ таътил миқдорини 12 га бўлиб, сўнг 1 га кўпайтириш лозим. Натижада 1,25 иш кунни ҳосил бўлади (МК 141-м.).

Шу тариқа, ходимга ишланган даврда меҳнат таътили сифатида фойдаланилмаган 1,25 иш кунни учун

компенсация тўланиши лозим (МК 151-м.). Олинган натижа яхлитланмайди.

Ходимнинг охириги иш кунни меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб ҳисобланади (МК 107-м.). Шу боис меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги бўйруқларда охириги иш кунни кўрсатилиши тавсия этилади, бу кундан кейин шартнома амал қилмайди. Ҳисоб-китоб қилишда ушбу кунни ҳам қўйиш лозим.

Иш даврини тўғри аниқлаймиз

Кадрлар бўйича инспектор меҳнат таътили берилиши тўғрисидаги бўйруқларда иш даврини, масалан, 10.01.2018 й. — 10.01.2019 й. гача бўлган даврни кўрсатади. Бироқ амалда иш даври бир кун кам бўлади: 10.01.2018 й. — 9.01.2019 й. Бу қўпол хато ҳисобланадими?


— Иш даврини аниқлаш амалиёти нотўғри, сабаби турли даврларда айнан бир хил саналар тақорланади:

➤ 10.01.2018 й. — 10.01.2019 й.

➤ 10.01.2019 й. — 10.01.2020 й. ва ҳ.к.

Бу қўпол хато ҳисобланмайди.

Келгусида бундай хатоликларга йўл қўймасликни тавсия этамиз, сабаби ҳар бир йил муайян санадан бошланади ва ушбу санадан олдинги кунда тугалланади. Кейинги давр (йил) унинг бошланиш кунидан (кун, ой), бироқ кейинги календарь йилдан бошланади:



➤ 10.01.2018 й. — 9.01.2019 й.

➤ 10.01.2019 й. — 10.01.2020 й. ва ҳ.к.

Иш даври тўғри ҳисобланганда техник хатолар ва турли йилларга айнан бир хил саналар киритилган ҳолатлар бўлмайди.

Валерия Ляндрес, кадрлар хизмати ходими.

УШБУ СОНДА

• ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

— Санэпидемиологик таълимни сақлаш учун кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар — Аҳолига ипотека кредитлари бериш шартлари

1-бет

• КАДРЛАР БЎЛИМИ

— Меҳнат вазирлиги 833 касб бўйича стандартларни эълон қилди
— Нима учун ЯММТ ходимни СТІР бўйича топмайди

— Ишдан бўшатиш ва ҳисоб-китоб

— Иш даврини тўғри аниқлаймиз

2-бет

• БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

— Турар жой кўчмас мулки бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича ишлар бошланди

— Бизга дуал таълимни тақлиф этишмоқда. Унинг ўзи нима?

— Квартира олинди — қарздорлик меросга қолади

— «Лип этиб кўтариб қўяди»ми

— Давергеодезкадастр коррупцияга қарши кураш эълон қилди

3-6-бетлар

• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ

— Пойтахтда рўйхатдан ўтиш

— Боланинг хорижга чиқишига рухсатнома

— Фуқароликка қабул қилишнинг янги тартиби

— Паспорт — яшаш жойи бўйича

7-бет

• АВТОНОРМА

— Махсус транспортни ўтказиб юбордингизми — жарима солинмайди

— Автокредитни муддатидан олдин сўндиришнинг ўзига хос жиҳатлари

8-бет



МУНДАРИЖА:

- ✓ Турар жой кўчмас мулки бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича ишлар бошланди
- ✓ Бизга дуал таълимни таклиф этишмоқда. Унинг ўзи нима?

- ✓ Квартира олиними – қарздорлик меросга қолади
- ✓ «Лип этиб кўтариб қўяди»ми
- ✓ Давергеодезкадастр коррупцияга қарши кураш эълон қилди



Фойдали тажриба

Турар жой кўчмас мулки бошқарувчиларини тайёрлаш бўйича ишлар бошланди

Германиядаги турар жой кўчмас мулки бошқарувчиларини тайёрлаш принциплари билан иккита вебинарда танишиш имконияти пайдо бўлди, унда ҳар икки мамлакатнинг манфаатдор мутахассислари иштирок этди. PromHouse лойиҳаси доирасида ўтказилган вебинарлар яқин келажақда уй-жой хизматлари бозорига малакали, пухта билимга эга бўлган бошқарувчилар шаклланишига умид бағишлади.

Уй-жой соҳасида фаолият кўрсатаётган халқаро экспертлар, мамлакатимизнинг вазирлик ва идоралари, бизнес вакиллари, Ўзбекистон профессионал бошқарувчилар ва уй-жой фондида хизмат кўрсатувчилар ташкilotлари уюшмаси ўз саъй-ҳаракатларини шу мақсадда бирлаштирдилар.

PromHouseнинг «Қозоғистон ва Ўзбекистонда уй-жой фондини бошқаришни профессионаллаштириш» лойиҳаси Европа Иттифоқининг молиявий кўмаги остида «Шарқий Ев-

ропада уй-жой ҳўжалиги» (ИВО, Германия, Берлин) Ташаббуси томонидан амалга оширилмоқда. Немислар томонидан лойиҳанинг мувофиқлаштирувчиси сифатида Европа уй-жой ва кўчмас мулк таълим маркази (EBZ) иштирок этмоқда. Ўзбекистон томонидан эса – Уюшма.

Профессионаллик малакали мутахассисларсиз амалга ошмаслиги вебинарлар вақтида қайд этилди. Шунинг учун лойиҳанинг навбатдаги bosқичида турар жой кўчмас

*Тахририят ихтилофли вазиятларни тахсил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.



Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

мулкнинг бошқарувчиси стандартини ишлаб чиқиш ҳамда ушбу касбга ўқитишга диққат эътибор қаратилди. Уй-жой хизматлари бозорида талаб-эҳтиёж юқори бўлган бошқарувчиларни республикамаизининг икки тажриба-пилот ўқув юртилари – Тошкент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик коллежи ва Қарши политехника ва профессионал коллежиди тайёрлашади.

Ҳозирги вақтга 2 ишчи гуруҳи шакллантирилган. Германиядан бўлган экспертлар бошқарувчиларни касбий тайёрлашни ташкиллаштириш бўйича ҳужжатлар пакетини бизнинг мутахассисларга тақдим этишди. Мазкур материаллар Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўрганилмоқда. Бу ҳужжатлар асосида ишчи гуруҳ аъзолари бизнинг шароитларга мослаштирилган ўқув режалари, модуллар дастурларини ишлаб чиқишни бошлашди. Лойиҳа ҳамкорлари бу ишда кўмак беришмоқда, шунингдек турар жой кўчас мулкни бошқарувчиларининг миллий стандартини тайёрлашга киришиб кетишди.

Ҳамкорларни бирлаштирган майдон

Лойиҳанинг долзарблиги шундаки, малакали бошқарувчиларни тайёрлаш уй-жой сиёсатининг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Лекин бу биргина Уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ички масаласи эмас. Бу ўринда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдор бўлган, уй-жой фондиди профессионаллаштиришдан манфаатдор бошқа тузилмаларнинг ҳам масъулият ва манфаатлари бирлашади. Лойиҳа замонавий талаб ва эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулк бошқарувчиларини касбий тайёрлашнинг янги принцип ва ёндашувлари «қовуриладиган» экспериментал майдончага айланган. Ўзбекистонда бундай мутахассисларни ҳеч бир ўқув юрти тайёрламайди. Уй-жой қурилиш авж паллага чиққан ҳозирги замонда бундай профессионалларга бўлган талаб ҳар қачонгидан ҳам ортиқдир. Ҳаётнинг ўзи малакали, ташаббускор, истиқболли, бошқарув объектларини ипидан игнасиғача яхши биладиган коммуникатив ёш авлод мутахассисларига кўз тикиб турибди. Бу мутахассислар замонавий қурилиш материаллари, технологиялари, асбоб-ускуналарни тўғрисидаги билимларга эга бўлиши, уларни амалиётда қўллаб билиши, ресурсларни сақлаш, энергия жиҳатидан самарали санация ва бошқа масалаларни ҳал эта оладиган бўлишлари лозим.

Бу вазифаларни ҳал этиш учун бошқарув компаниялари ҳам жалб этилган. Булар амалиётни биладиган, келажақдаги кадрлар учун истиқболли иш берувчилардир. Улар бошқарувчилар қандай талабларга мувофиқ келиши кераклигини яхши билишади. Бошқарув компаниялари ўқув дастурларини ишлаб чиқишга кўмаклашади ва талабаларнинг кўчмас мулк объектларида ўқув ва амалиётдан ўтишини таъминлаб берадилар.

Ўзбекистон бошқарув ташкилотлари уюшмасининг ижрочи директори Раҳима Ортиқованинг (PromHouseнинг миллий мувофиқлаштирувчиси) сўзларига кўра, лойиҳани амалга ошириш учун асосий дастуриламал бўлиб жорий йилнинг 1 августидан кучга кирадиган «Кўп квартиралли уйларни бошқариш тўғри-

сида»ги янги Қонун ҳисобланади. Ҳужжат кўп квартиралли уйларни профессионал бошқаришнинг аҳамияти ва масъулиятини оширишга қаратилгандир. Унда мулкдорлар умумий мол-мулкни бошқаришнинг бир неча усуллари назарда тутилган. Бинобарин, мулкдорлар қандай усулни танлашадиган қатъи назар, уй-жой фондидан самарали фойдаланиш ва унинг сақланишини таъминлаш зарур. Бунинг учун эса малакали кадрлар керак. Қонунга биноан бошқарувчи шахс яқна тартибдаги тадбиркор сифатида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши ва малака (аттестация) сертификатига эга бўлиши керак. Бошқарувчи ташкилот штатида кўп квартиралли уйни бошқариш бўйича тегишли сертификатга эга бўлган камида икки нафар мутахассис бўлиши зарур. Ақс ҳолда бир ойдан сўнг умумий йиғилиш қарори билан мулкдорлар уни қайта сайлашлари мумкин. PromHouse турар жой кўчмас мулкни бошқариш ва профессионал стандарт учун кадрлар тайёрлашнинг мустақкам дастурини ишлаб чиқишда ҳукуматга ёрдам бермоқда.

Хаус-уста ва бошқалар

Вебинарлар вақтида томонлар лойиҳани амалга оширишнинг айрим жиҳатларини муҳокама қилишди. Европа уй-жой хўжалиги ва кўчмас мулк иқтисодиёти таълим маркази (ЕБМ, Германия, Бохум) ўқитувчиси Алекс Флекке-Ведовелли хоним «Германияда дуал таълим олиш. Касб – кўчмас мулк иқтисодиёти бўйича мутахассис» мавзусидаги тақдиротни ўтказди. Уй-жой соҳаси учун кадрларни дуал тартибда тайёрлаш деғанда талабаларнинг таълим олиш билан бир вақтда истиқболдаги иш берувчилар билан бевосита ишлаб чиқаришда амалиётни ўташи тушунилади. Германиялик экспертлар бизнинг коллежларга ана шу кўникмани эгаллашни таклиф этаётганлар. Тарихан олганда дастлаб Германияда вужудга келган бу таълим тизими бугунги кунда бутун дунёда оммалашган. Ундан кўзланган асосий мақсад – малакали, саводхон битирувчиларни тайёрлаш, таълим олаётганларда бевосита ишлаб чиқаришда фаолият юритишнинг базавий кўникмаларини шакллантириш, яъни коллежларни тугатгандан кейинок уларни дарҳол ҳаёт билан чамбарчас боғлашдир.

PromHouse лойиҳасининг раҳбари Лариса Шреккенбахнинг таъкидлашича, Ўзбекистонга таклиф этилган ўқув режалари ва модуллари инновацион дастурларни, хусусан, энергия қувватини сақлаш, дидактик дастурларни ўз ичига олади, зеро, булар билан кўчмас мулк бошқарувчилари шугулланишлари керак. Германияда ҳозирги вақтда ўқув жараёнида кўп соатлик маърузалар ўқилмайди. Талабалар материалларни мустақил тарзда ўрганишади, тақдиротлар уюштиришади, педагоглар эса модераторлар сифатида иштирок этиб, жараёнда бошқаришда ва мавзу тўғри ўзлаштирилганини назорат қилишади. Профессионал бошқарувчиларни тайёрлашда дигиталлаштириш деған янгича ёндашувдан фойдаланилади. Яъни бу янги рақамли технология ва инновацияларни қўллаган ҳолда бизнес жараёнларни оптималлаштириш деғани.

Уй-жой соҳаси учун кадрларнинг профессионал таълим олишига доир янгича ёндашув кўп квартиралли

уйларни бошқариш амалиётида хаус-устани қўллашнинг реал имкониятини яратди. Немис экспертлари бизнинг уй-жой соҳаси вакиллари PromHouseнинг олдинги бошқаришда бу касб билан яқиндан таништирилган эдилар. Тошкентдаги бошқарувчи компаниялардан

бири ўз амалиётида ана шу ёндашувдан фойдаланади. Касбий таълим тизимига янгича стандарт ва мутахассисликларни жорий этишлик билан ушбу касбга мамлакатимиздаги янги қурилишлар ва иккиламчи уй-жой фондининг объектларида талаб ошади деган умид бор.

Бизга дуал таълимни таклиф этишмоқда. Унинг ўзи нима?

Бу таълим тури бўлиб, унда назарий қисм коллежда, амалий қисм эса корхонада ўтказилади. У Германия профессионал таълим тизимида кенг қўлланилади. PromHouse лойиҳаси доирасида Ўзбекистонга Европа уй-жой ва кўчмас мулк таълим марказининг (EBZ, Германия, Бохум) профессионал коллеж дуал таълимини ташкил этиш тажрибаси таклиф этилмоқда. Бу ерда талабалар кўчмас мулк иқтисодиёти бўйича мутахассис касбини эгаллашади.

Қоида тариқасида, унинг ўқувчилари – ўрта маълумот тўғрисидаги аттестатга эга бўлган ўрта мактаб битирувчиларидир. Унга суҳбат асосида кирилади. Ўқувчи таълим компанияси билан 3 йилга профессионал таълим тўғрисидаги шартномани тузади. Агар талаба битирув имтиҳонини топшира олмаса, унга қайта топшириш имконияти берилди ҳамда ўқиш муддати яна ярим йилга узайтирилади.

Ўқининг кўп қисмини талабалар корхонада ўтказишади. Бу ҳафтасига 3–4 кун ёки коллежда блокларга бўлиб ўқилганда тўлиқ ҳафта дегани. Компаниянинг ўқиш талабларига мувофиқ келишини савдо-саноат ёки бошқа палата текширади.

Коллежда ўқиш бепул. Компаниянинг ҳар бир ўқувчиси га иши учун ойлик мукофот тўланади, зеро бу ёшлар учун яхши рағбатдир. Ўқиш тугагандан кейин битирувчи га ўқув юртининг сертификати, профессионал таълим ва ўқишни тугатганлик тўғрисидаги гувоҳнома берилди.

Ўз маблағларини талабаларни дуал ўқитишга йўналтирган компаниялар ўқиш тугагандан кейин битирувчиларнинг шу ерда ишлаб қолишларидан манфаатдордирлар. Битирувчиларнинг ўзлари ҳам бундан манфаатдор бўлади. Чунки бу ерда ўқиганларнинг аксарияти дуал дастурлар бўйича ўқитилган компаниялардан таклифлар олишади.

Дуал таълимнинг афзалликлари



Дуал таълим тизими анъанавий таълимга нисбатан бир нечта афзал жиҳатларга эга.

Ўқувчи ўқиш жараёнида корхонада амалий кўникмаларга ва жамоада муайян обрў-нуфузга эга

бўлади. Компания тўлайдиган стипендия тўғрисида ўқувчи ўқиш жараёнига чуқур шўнғиши мумкин. Талаба ишлаб чиқаришда ўзини қандай намойиш эта олганига қараб, у коллежни битиргандан кейин

худди шу компанияга уни ишга таклиф қилишлари мумкин. Шундай бўлган тақдирда у бошқа иш қидиришга вақт сарфлаб ўтирмайди, янги лавозим мажбуриятларини эгаллашга ҳаракат қилмайди, янги жамоаларга кўникиши ҳам шарт бўлмайди. Кўпинча компанияда ўқиш вақтида юқори билим ва қобилиятни намойиш эта олган битирувчини муваффақиятли истиқбол кутади.

Иш берувчи корхонанинг талабларига мувофиқ келувчи (четдан келган бошқа номзодлардан фарқли ўлароқ) малакали мутахассисларни қўлга кирилади. Пировард натижада у яқин келажақда таълим олувчи га сарф этган ўз капиталидан ўрта муддатли истиқболда кўпроқ самарани қўлга кирилади. Корхона ходимларни танлаш ва қайта ўқитиш билан боғлиқ харажатларни иқтисод қилиб қолади.

Давлат дуал профессионал таълимнинг ижобий таъсири воситасида иқтисодиёт ва жамият учун сиёсий афзалликларга эга бўлади. Кадрларни тайёрлашнинг бундай шакли бизнес иштироки билан фаолият кўрсатувчи мутахассисларга бўлган талабни қондиради (ишлаб чиқариш таълими воситасида).

Кўчмас мулк иқтисодиёти бўйича мутахассис: фаолиятнинг кенг жабҳаси

EBZ коллежда дуал ўқитиш доирасида битирувчилар кўчмас мулк иқтисодиёти бўйича мутахассис касбига эга бўладилар. Бу кенг миқёсдаги профессионаллар бўлиб,



Қарабсизки, кўп ўтмай янги мулкдорда муаммолар бошланади. Олдинги мулкдорнинг қарзлари юзага қалқиб чиқади, шундан сўнг етказиб берувчилар қарзни тўлаб қўйиш бўйича янги мулкдорнинг «ёқасига ёпишишади». Қарздорлики тўлашдан бош тортилган тақдирда судга даъво аризасини киритишади. Агар квартира сотувчиси мамлакатдан ташқарига чиқиб кетса борми, тамом деяверинг – квартиранинг янги хўжайини қарздорлик шаклланишида умуман айбис эканлигини исботлаш амри маҳол бўлиб қолади. Сотувчи республика ҳудудида қолган тақдирда масалани ҳал қилиш мумкинлигига умид қилса бўлади. Аммо менталитетимиз, фуқаролик фаоллигимизнинг паст даражаси ва етарлича ҳуқуқий саводга эга эмаслигимизни ҳисобга олганда фуқаролар бу имкониятдан ҳам фойдалана олмаётганларини кузатса бўлади.

Инсон омили бартараф этилди, лекин муаммо муаммолигича қолди

Нотариал битимлар соҳасидан коррупцион ҳолатларни бартараф этиш, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида маълумотларни йиғиш жараёнини соддалаштириш, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг «Битимларни нотариал тасдиқлаш тартибини идоралараро электрон ҳамкорликини қўллаган ҳолда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (27.02.2017 йилдаги 106-сон) қабул қилинган. Ҳужжатда битимларни идоралараро электрон ҳамкорликини қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби белгиланди.

Эндиликда коммунал хизматлар истеъмолчиларининг шахсий ҳисобрақаи ҳолати тўғрисидаги маълумотлар етказиб берувчи томонидан шакллантирилади ва онлайн вақт режимида идоралараро электрон тизимга юборилади. Квартира сотувчиси электрон аризани ЯИДХПда тўлдиради ёки уни нотариал идора ходими тўлдириб беради. Коммунал хизматлар бўйича қарздорлик мавжудлигини «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (ААТ) ёрдамида нотариат ходимлари текширади. Унга нима маълумот киритилган бўлса, шунга чиқариб беради. Бу орадан «келишиб кетамиз» ишорасини қўллайдиган инсон омили чиқариб ташланди.

Лекин буларнинг барчаси муаммони бартараф этганича йўқ. Ўзганинг ҳақиқатдаги ёки шубҳали қарзини зиммага олиш давом этмоқда. «Келишиб кетамиз» ишораси қўлланиладиган инсон омили бартараф этилгандек кўринган бир вақтда бундай қарз яна қаердан қалқиб чиқмоқда? Бу қарздорлик ААТ дастурининг ишдан чиқиши; коммунал хизматлар ходимларининг

истеъмолчилар шахсий ҳисобрақаи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришида хатоликка йўл қўйишида, мазкур ахборотни ўз вақтида янгиласлик ва бошқалар оқибатида келиб чиқиши мумкин. Гарчанд Кўчмас мулкнинг олди-сотди, айирбошлаш ва ҳада қилиш битимларини идоралараро электрон ҳамкорликини қўллаган ҳолда нотариал тасдиқлаш тартиби тўғрисида низомнинг (ВМнинг 106-қарорига 1-илова) 14-бандига мувофиқ ишончсиз ва бузиб кўрсатилган маълумотлар тақдим этилганлик учун ушбу маълумотларни тақдим этган шахслар жавоб бериши белгиланган бўлса-да, ўзгаларнинг хатолари учун янги мулкдор жавоб беришига тўғри келмоқда.


Харидор «қармоқ»қа ихтиёрий тушмоқда

Қизиғи шундаки, юридик жиҳатдан олиб қараганда, «қармоқ»қа янги мулкдор ўз ихтиёри билан тушиб қолмоқда. Кўчмас мулк олди-сотди шартномасининг бандларидан бирида «сотувчи унда коммунал хизматлар: газ, ахлатни чиқариб ташлаш, электр энергияси, иситиш тармоғи, иссиқ ва совуқ сув учун қарздорлиги мавжуд эмаслигини тасдиқлайди. Харидор эса бундай қарздорлик ўрнатилган тақдирда уни қоплаш мажбуриятини зиммасига олади» деб белгиланган.

Шундай экан, томонлар шартнома шартларини қабул қилишган ва имзолашган, харидор сотувчининг қарзи бирданига қалқиб чиққан тақдирда уни тўлаб беришликни зиммасига олаётган экан, муаммо нимада унда? Гап шундаки, олди-сотди битимини тасдиқлаётганда кўп фуқаролар шартноманинг мазмунига диққат билан назар ташламайдилар. Акс ҳолда ким ҳам бировнинг қарзини ихтиёрий равишда ўз бўйига олишга рози бўларди. Минобарин, бу коммунал хизматларни етказиб берувчиларга қарзни қоплашни квартиранинг янги эгаларидан талаб қилишга асос яратди.

Мазкур бандни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг бузилиши деб қараш мумкинми? Қонуннинг 21-моддасида шартноманинг истеъмолчи ҳуқуқларини чеklang қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўлланиши натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижроочи) томонидан қопланиши лозим, деб белгиланган.

Лекин айтиш ҳолатда шартнома томонлари бўлиб сотувчи (ижро этувчи) ва истеъмолчи эмас, балки фуқаролар иштирок этмоқда, зеро улардан бири агар қарздорлик ўрнатилгудек бўлса, уни иккинчи томонга тўлаб беришга имзо чеккан.



Мавзуйий сонни махсус мухбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

улар кўчмас мулк иқтисодиётининг қуйидаги барча секторларида ишлай оладилар:

- кўчмас мулкни ижарага бериш ва бошқариш;
- турар жой ва улушли мулкни асослаш ва бошқариш;
- миқозларга кўчмас мулк масалаларида маслаҳатлар бериш;
- кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларни ривожлантириш;
- янги қурилишни охиригача етказиш, кўчмас мулкни модернизация ва санация қилиш;
- кўчмас мулк бозорини таҳлил этиш, маркетинг концепцияларини жорий этиш;
- бино техник бошқарувини ташкил этиш ва назорат қилиш.

Кўчмас мулк иқтисодиёти бўйича мутахассис билан УМТ бошқарувчиси ўртасидаги фарқ нимада

Ўй-жой мулкдорлари ташкилотини (УМТ) бошқариш учун жавобгарлик ўй-жой мулкдорлари ва унинг бошқарувчисининг зиммасида бўлади. Бошқарув объекти бўлиб барча мулкдорларга тегишли бўлган, улар хизматида турган ва фойда келтирадиган мулкдорларнинг умумий мол-мулки ҳисобланади.

УМТ бошқарувчиси қуйидагиларни бажаради:

- мулкдорларнинг умумий йиғилишини чақиради ва ўтказиши;
- мулкдорлар томонидан қабул қилинган қарорларни ижро этади;
- йиллик ҳисобот ва бизнес-режани тузади;
- умумий мол-мулкнинг жорий ва мукамал таъмирини ўтказиши;
- мулкдорлар умумий мол-мулкни сақлаш учун умумий маблағларни бошқаради.

УМТ бошқарувчиси қандай тайинланади

Ушбу лавозимга бошқарувчи мулкдорлар кўпчилик овози билан 5 йиллик муддатга тайинланади. Унинг иши бошқарувга доир шартнома ва турар жой мулки тўғрисидаги қонуннинг ҳуқуқий талаблари билан белгиланади. Шартнома муддати узайтирилиши, мансаб мажбуриятлари бузилган тақдирда эса – муддатидан олдин бекор қилиниши мумкин.



*УМТ – у хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатларига ўхшайди.



Ўзгалар қарзи

Квартира олиндими – қарздорлик меросга қолади

Квартира харид қилинган, олдинги мулкдорнинг коммунал хизматларга доир қарзларини янги мулкдор тўлаши керак бўлган вазият ўзининг ечимини топадиган бўлди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги Адлия вазирлигига кўчмас мулк олди-сотди шартномасидан қарздорлик юзага келганда уни харидор тўлаши керак бўлган бандни чиқариб ташлаш таклифини киритди.

Муаммо нимада

Турар жой олди-сотдиси битимларини нотариал тасдиқлаш учун сотувчида коммунал хизматлар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. 2017 йилгача мулкдорлар ёки риэлторлар бу ҳақдаги маълумотномани бевосита етказиб берувчилардан олишган. Коммунал хизмат ташкилотларига югур-югур қилиш оддий ишлардан эмас – бунинг ортида

қанча-қанча вақт, асаб, навбат кутиш, сансалорлик ётади. Квартирани сотиш эса доимо шошилиш бажариладиган ишлардан. Кўпинча мулкдор жараёни тезлаштиришни сўрайди, етказиб берувчининг вакили эса мукофот эвазига мавжуд қарздорликка «кўз юмадиган» ҳоллар учрайди. Томонларнинг келишувига биноан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳусусида сохта маълумотнома тузилади. Ҳар икки томондан товламачилик қилинаётганлиги шундай кўриниб туради.

Мавзувий сонни махсус муҳбиримиз Ирина Гребенюк олиб боради.

Турар жой кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномаси оммавий шартнома ҳисобланмайди. Томонлар шартнома шартларига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадирлар. Лекин бунинг учун ҳуқуқий билим, фуқаролик позицияси, вақт керак. Одатда квартира олди-сотдиси – доимо шошилиб бажариладиган ишлардан. Харидорларнинг аксарият қисми шартномани имзолашдан олдин унинг эҳтимолий оқибатлари, ўзларига қандай жавобгарлики юклаётганликлари борасида пухта ўйлаб кўрмайдилар. «Оғиз куйгандан кейин» эса фуқаролар баъзида табиий саволни кўндаланг кўядилар: шартноманинг ушбу банди мулкдорларнинг ҳуқуқий беэтиборлиги ҳисобига етказиб берувчиларнинг манфаатларини ёқлаб чиқиш эмасми? Шу бандни шартномадан чиқариб ташлашлик билан муаммони ҳал этса бўлади.

Ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган бадаллар

Вазирлар Маҳкамасининг 106-сон қарори қабул қилиниши билан турар жой кўчмас мулк олди-сотди битимларини нотариал тасдиқлашда кўп квартиралар уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш учун мажбурий бадаллар бўйича мулкдорларнинг қарздорлиги билан боғлиқ масала ҳуқуқий доирадан ташқарида қолди. Олдинлари нотариусга бадаллар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслигига доир ХУМШнинг ёхуд уй кенгашининг (ширкат тузилмаган тақдирда)

маълумотномасини ҳам тақдим этиш талаб қилинар эди. Ҳозирда бундай ахборот назарда тутилмаган – фақат газ, электр энергияси, иситиш тармоғи, иссиқ ва совуқ сув, ахлатни чиқариб ташлаш учун коммунал тўловлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар бўлса бас. Шартномада бадаллар бўйича қарздорлик ҳақида ҳам лом-мим дейилмаган.

Натижада квартиралар кўпинча мулкдорларнинг катта-катта қарзлари билан сотилади. Ширкатлар янги хўжайинлардан уларни тўлашни талаб қилишмайди. Лекин аслида бу барча уй мулкдорларининг харажатларига таъсир кўрсатади. Сабаби ХУМШнинг даромад қисми қисқаради. Маблағ етишмовчилиги туфайли режалаштирилган ишлар бажарилмай қолади, кредит пуллари тўланмайди. Албатта, ширкат мулкдорлар қарзини қисқартириш бўйича чоралар кўриши керак, лекин бу иш доим ҳам силлиқ кетмайди – қарздорликни ундиришга доир судларнинг ҳал қилув қарорлари ижро этилмай қолаверади.

Уй-жойга оид қонун ҳужжатларида уйда мулкдорнинг алмашиши тўғрисида ХУМШни хабардор этиш кераклиги назарда тутилмаган. Ваҳоланки коммунал хизматлари тақдим этиш қоидаларида бундай талаблар бор. 106-сон ВМҚга, шунингдек кўчмас мулк олди-сотди шартномасига умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадаллар бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақидаги маълумотларни сотувчи тақдим этиши зарурлиги тўғрисидаги бандни киритиш мақсадга мувофиқдир.



Муаммони кўрсатамиз


«Лип этиб кўтариб кўяди»ми

ёки пойтахтда 3 мингдан зиёд лифт 25 йиллик эксплуатация мuddатини ўтаб бўлган

Қурилганига кўп йиллар бўлган айрим кўп қаватли уйлардаги лифтлар аллақачон таъмирталаб бўлиб қолгани туфайли ноқулайликларни келтириб чиқармоқда. Ҳатто айримлар бу муаммага оддий ҳолат сифатида қарай бошлаган.

Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 12 июндаги «2021-2027 йилларда республикадаги кўп квартиралар уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори (12.06.2020 йилдаги 376-сон) бу йўналишда кўпдан қутилган муҳим ҳужжат бўлди. Мазкур ҳужжатда республикадаги мавжуд лифтларни таъмирлаш ва янгилашга давлат бюджетидан маблағ ажратилиши белгиланган.

Маълумки, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида барпо этилган етти, тўққиз ва ундан юқори қаватли уйларнинг аксарияти ўтган асрнинг 70-90 йилларида



барпо этилган. Уларга ўрнатилган лифт ускуналари эса, йиллар давомида яроқлилик мuddатини ўтаб бўлган. Бунинг устига, лифтлар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чи-

қарувчи корхонанинг ўзи йўқ. Кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналари ҳам мулкдорларнинг умумий мулки ҳисобланиб, уларга ихтисослашган давлат ёки хусусий ташкилотлар томонидан шартнома асосида хизматлар кўрсатилмоқда.

Бироқ ҳозирги кунда лифт ускуналари бўйича мутахассислар етишмаслиги сабабли, шартнома тузган уй-жой мулкдорлари ёхуд ширкатларига ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатилмаяпти. Натижада юқори қаватда истиқомат қилувчилар устани ўзлари топишига тўғри келади. Бироқ таъмирланган лифт орадан кўп ўтмай яна бузилади. Хавфсизлик талабларига риоя қилинмагани туфайли гоҳида бахтсиз ҳолатлар ҳам содир бўлиб турибди.

Айни пайтда мамлакатимиз бўйича 2 минг 483 та кўп қаватли уйда 5 922 та лифт ускунаси мавжуд бўлиб, уларнинг 85 фоизи Тошкент шаҳрида ўрнатилган. Бундан уч йил аввал пойтахтимиздаги 1 000 та лифт ускунасини янгисига алмаштириш режаси тасдиқланган эди. Ҳозирга қадар 971 тасида шундай ишлар амалга оширилди. Шунга қарамай, 2019 йил ҳисобидан Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг мурожаатлар билан ишлаш бўлимига лифт ускуналарини янгисига алмаштириш, уларни мукамал таъмирлашга муҳтожлик бўйича 300 дан ортиқ мурожаат келиб тушган.

– Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги кўп квартиралар уйлардаги 3 162 та лифт ускунаси белгиланган 25 йиллик эксплуатация муддатини ўтаб бўлган, – дейди Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги бошқарма бошлиғи Лазиз Ҳамидов. – Қолган ҳудудлардаги 392 та лифт ускунасини капитал таъмирлаш ёки янгилаш талаб этилади. Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 2021-2027 йилларда кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастури тасдиқланди. Ана шу вақт мобайнида 2 102 та кўп квартиралар уйда 84 та лифтни таъмирлаш, 3 478 тасини янгисига алмаштириш мўлжалланган. Шу боис, мамлакатимиздаги барча лифт ускуналари инвентаризациядан ўтказилди. Ҳар бир кўтаргич қурилманинг паспорти ва манзилли дастури шакллантирилди. Унда лифт қайси корхонада, қанча ишлаб чиқарилган, қанча вақт ундан фойдаланилган, қанча давр хизмат кўрсатилган, нималарни алмаштириш керак, капитал таъмирлаш муҳтож ёки муҳтож эмаслиги каби маълумотлар жамланди.

Пойтахтда бу жараён 2027 йилгача давом этса, вилоятларда 2024 йилда нихоясига етказилади. Шунингдек, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузуридаги Кўп хонадонли уй-жой фондидан фойдаланганлиги назорат қилиш инспекцияси томонидан Лифтлар хавфсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламента риоя қилиш устидан назорат амалга оширилади. Саноат хавфсизлиги давлат кўмитаси уларнинг халқаро стандартлар талабларига жавоб берадиган ва давлат экспертизасидан ўтказилган ҳолда ўрнатилишини назорат қилади, янги лифтларни давлат рўйхатига киритади.

Дастурнинг ўз вақтида бажарилишини мониторинг қилиш, кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналарига хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришнинг замонавий услубларини жорий қилиш фуқароларнинг қулай ва хавфсиз яшашига шaroит яратди. Шунингдек,

фавқуллодда вазиятлар олди олинишини ва сифатли хизмат кўрсатилишини таъминлайди. Эътиборлиси, лифт ускуналарининг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимда қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш ҳам режалаштирилган.

Мақсад аниқ. Бироқ ижро механизми қандай ишлайди, деган савол туғилади. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ҳузурида «Кўп хонадонли уйлар, иссиқлик таъминоти ва объектларни қуриш бўйича инжиниринг компанияси» ДУК ва унинг ҳудудлардаги бўлимлари фаолияти йўлга қўйилган. Давлат ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар айнан шу компания буюртмачилиги асосида дастурни амалга оширади. Коммунал соҳанинг бошқа хизматлари қатори лифтларни таъмирлаш ва янгисига алмаштириш бўйича ҳам лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда лифтларни таъмирлаш ёхуд ўрнатиш бўйича тендер ва танловлар ўтказилади. Унда голиб чиққан корхона лифт ускуналарини ўрнатиш ва таъмирлаш ишларини бажаради.

Шундай тизимнинг мавжудлиги маъқул. Лекин қундалик хизмат кўрсатиш жараёнлари билан бевосита қим шугулланади? Айнан мана шундай тузилманинг яхши ишламаслиги туфайли йиллар давомида муаммолар ҳал этилмай тўпланиб келяпти, улар устига янгилари қўшилипти?

– Бу масалани ҳам тизимли ҳал этиш чоралари кўриляпти, – дейди Лазиз Ҳамидов. – Вазирлигимиз ҳузурида ташкил этилган «Таъмирлаш-тиклаш» давлат унитар корхонаси негизда «Тез коммунал хизмат» сервислари фаолияти йўлга қўйилди. У ҳудди табибий тез ёрдам хизматига ўхшаш тарзда ишлайди. Ҳозир бу борада вилоятларда туну кун фаолият кўрсатадиган диспетчерлик хизматлари 1184 қисқа рақами орқали фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳрида ҳам 1055 қисқа рақами ёхуд Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Тошкент лифт хизмати» давлат унитар корхонасининг 90-977-79-87 ёки 71-245-15-76 телефон рақамларига хонадон эгалари лифт ускуналари билан боғлиқ ҳар қандай масалада мурожаат қилиши мумкин. Айтиш жоиз, бу хизмат буюртма асосида пуллик бўлади ёки уй-жой ширкатлари билан шартнома тузиш асосида бажарилади. Қолаверса, лифт ускуналарининг техник ва авария ҳолатларини реал вақт режимда қайд этувчи замонавий рақамли электрон дастурнинг ишлаб чиқиши хизмат сифатини тубдан оширади.

Урта махсус таълим бўғинида лифтларга хизмат кўрсатувчи техник мутахассисларни ўқитиш ва уларга касбий билим олиши учун шарoит яратиш орқали келажақда ушбу йўналишда кадрларга бўлган эҳтиёжни тўлдиришга эришилади.

2021–2027 йилларда кўп квартиралар уйлардаги лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш дастуридан ўрин олган вазифаларни тўлиқ бажаришга етти йил вақт кетади. Ўз навбатида, бу вақт мобайнида ҳам юқори қаватли уйлардаги лифтларга хизмат кўрсатиш эҳтиёт қисмларни талаб қилади. Бу масала қандай ҳал этилади? Умуман олганда, эски ва янги қурилаётган уй-жойларга ўрнатиладиган лифтларни ишлаб чиқариш билан шугулланувчи

корхоналарнинг имкониятлари қандай ёки бу қурилмалар ҳам импорт қилинадими?

– Биз 2017 йили Сирдарё вилояти Гулистон шаҳрида лифт, эскалатор ишлаб чиқарувчи корхонани ишга туширдик, – дейди «Modern lift systems» МЧЖ таъсисчиси Комрон Уйгунов. – Талаб ва таклифга қараб янги кўп қаватли уйлarning қурилиши туфайли лифт қурилмаларига ҳам эҳтиёж ортиб борапти. Буюртмалар ҳам ошган. Қулай, шовқинсиз ва тезкор хизмат қилувчи электрон лифтлар тайёрлашни йил сайин такомиллаштириб боришимизга тўғри келяпти. Ўтган йили 1 300 дан ортиқ лифт етказиб бердик. Буюртмаларга талабни ҳисобга олиб, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманида ҳам шундай ускуналар йиғувчи цехни очдик. Ҳозир қуюв-механика заводини барпо этиш лойиҳаси устида иш олиб бораёلمиз. Бу ерда тайёрланадиган лифтларнинг 90 фоизи маҳаллийлаштирилади ва хизмат кўрсатишда зарур бўладиган қарийб барча эҳтиёт қисмлар ҳам ишлаб чиқарилади.

Бугунги кунда мутахассислар томонидан Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларидаги қўшма корхоналарда тайёрланаётган замонавий лифтларнинг техник параметрлари, сифат ва дизайн кўрсаткичлари

ўрганилмоқда. Улар таклиф этаётган маҳсулотлар замон талабига жавоб беради ва зарур бўлса, такомиллаштириб борилади. Эътиборли жиҳати, жами 3 554 та лифт таъмирланиши ва янгиланиши керак. Ушбу мақсадларга эса 665 млрд сўмдан ортиқ маблағ талаб этилади. Битта лифтни капитал таъмирлаш учун ўртача 50 млн сўм сарфланса, янгисига алмаштириш 190 млн сўмдан 220 млн сўмгача туради. Бу жараёнда барча харажатлар давлат ҳисобидан амалга оширилади.

Аҳолини қизиқтираётган масалалардан бири жорий йилда ҳам янги лифтлар ўрнатиш режалаштирилганидир. Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги маълум қилишича, бу йил Тошкент шаҳрида кўп қаватли уйлarda 156 та янги лифт фойдаланишга топширилади.

Шунинг учун кўп қаватли уйда яшайдиган аҳоли давлатимиз ёрдами кўламини тўғри баҳолаши, замонавий қимматбаҳо ускуналарни асраб-авайлаши, яхши сақлашишга эришиши керак. Яъни уларга худди ўзининг шахсий мулкига қарагандай муносабат маданияти шакллантирилса, лифтларнинг хизмат умри узаяди.

ЎЗА материали асосида.



Маълумот учун

Давергеодезкадастр коррупцияга қарши кураш эълон қилди

Давергеодезкадастр ер ресурслари, геодезия, картография ва кадастр соҳасида коррупциядан ҳоли бўлишга қасд қилганлиги тўғрисида маълум қилди. Бу вазифаларни идоранинг сайтида Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат кўмитасининг раиси Халилullo Тўраҳужаев эълон қилди. У Президентимизнинг Фармони билан яқинда мазкур лавозимга тайинланган.

Раиснинг фуқароларга мурожаатида Давлат кўмитасининг раҳбари мазкур идоранинг ишида коррупция элементларининг мавжудлиги, фуқароларнинг иши тез битмаслиги, сарсон бўлиши ҳолатлари бу ташкилотга бўлган ишончнинг кескин пасайишига олиб келган.

«Ҳалоллик ва поклик орқалигина Сизларнинг ишончгини оқлаб, кўмита имижини қайта тиклашни асосий вазифам деб биламан ва бу йўналишда Сизларнинг кўмагинизга муҳтожман, – дейилади мурожаатда. – Бунинг учун сизлар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқотни йўлга қўйишимиз зарур».

Давергеодезкадастр кўмитаси раҳбари идора фаолиятидаги муаммолар, ҳал этилмаган ишлар, бюрократик тўсиқ ва ғовларга дуч келинаётган бўлса, шунингдек, мазкур йўналишни ривожлантириш, такомиллаштириш бўйича ғоя ва таклифлар мавжуд бўлса, кўмита билан очиқ мулоқот қилишни сўраган.



Бунинг учун, ҳозирда Давлат кўмитасининг [@uzkadastr](https://uzkadastr.uz) Facebook тармоғида расмий саҳифаси, 1097 ишонч телефони, шунингдек, фуқароларга қулай бўлиши учун Telegram мессенжерига [@yzguzbot](https://t.me/yzguzbot) қайта алоқа боти ишга туширилгани маълум қилинди. Шунингдек Давлат кўмитаси раисининг 01@yzg.uz шахсий электрон манзилига тўғридан-тўғри мурожаат этиш мумкинлиги эслатилган.

Республикада Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилиши билан бир қатор идоралар коррупцияга қарши курашишда камарбаста эканликларини эълон қилди. Бу иддаолар муайян хатти-ҳаракатлар билан амалиётда ўз аксини топади, деб умид қиламиз.

Пойтахтда рўйхатдан ўтиш

Рўйхатнинг 11-бандига мувофиқ давлат органига лавозимга ишга таклиф этилган юқори малакали мутахассис сифатида лавозимда бўлган даврда оила билан бирга прописка қилинганман. Ушбу ташкилотда 4 ярим йил ишладим. Ишлаган давримда квартира сотиб олдим ва айни пайтда ушбу квартиrada яшайман. Бироқ доимий пропискам хизмат квартираси жойлашган жой бўйича расмийлаштирилган. Пандемия сабабли мен қисқартиришга тушдим. Кадрлар хизмати ходимининг айтишича, мени доимий прописка қилинган жойимдан вилоятга кўчиришар экан.

Шу тўғрими?



– Йўқ, бу нотўғри. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхатининг (14.09.2011 йилдаги ЎРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 2, 5, 9-11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида ёки Тошкент вилоятида доимий прописка қилинган фуқаролар доимий прописка қилинган (лавозимида турган) кундан бошлаб 3 йил ўтгандан кейин турар жой сотиб олган тақдирда, улар ва улар билан бирга доимий прописка қилинган фуқаролар ушбу турар жойиша Рўйхатнинг 1-банди бўйича доимий прописка қилинади (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 24-банди).

Барча зарур ҳужжатлар тақдим этилгандан кейин ТШИБ МваФРБ томонидан 3 иш кунни мобайнида тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ҳақиқийлиги текширилади. Фуқаро Рўйхатда назарда тутилган шахслар тоифасига мувофиқ бўлган тақдирда, унинг паспортига штамп қўйиш ва гербли муҳр билан тасдиқлаш орқали доимий прописка расмийлаштирилади (Йўриқноманинг 25-банди).

Боланинг хорижга чиқишига рухсатнома

Фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланаман ва фарзандим билан Самарқандда яшайман. Собиқ турмуш ўртоғимнинг ҳам фуқаролиги йўқ, у алоҳида яшайди. Яқинда РФнинг Тошкентдаги Элчихонасида Россия фуқаролигини қабул қилганини эшитдим. Кейинчалик хорижга чиқиш учун ўғлимга ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштирмоқчиман, бироқ собиқ турмуш ўртоғим хорижга чиқишга рухсатнома беришни рад этмоқда. Мазкур ҳолатда қандай йўл тутушим керак?

– Вояга етмаган фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳаракатланиш ҳужжати расмийлаштиришда қуйдаги ҳолларда ота-оналардан бирининг розилиги талаб қилинмайди (Низомнинг 13-1-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 2-илова):

– ота-онанинг бири вафот этганда (вафот этганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси тақдим этилган тақдирда);

– ФХДЁ органи томонидан берилган ёлғиз она тўғрисидаги маълумотнома мавжуд бўлганда;

– боланинг ота-онасидан бири чет эл фуқароси бўлса;

– ота-оналардан бири суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганда (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);

– ота-оналардан бири суд томонидан бедарак йўқолган деб топилганда (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);

– ота-оналардан бири суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганда (суд қарорининг нусхаси тақдим этилган тақдирда);

– ота-оналардан бири Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ўчирилганда ва хорижда доимий яшаётганда.

Ушбу масала юзасидан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўртасида чиққан ҳар қандай низолар суд тартибиде ҳал қилинади.

Ота-оналардан бири ўз боласининг хорижга чиқишига рози бўлмаган тақдирда, унинг хорижга чиқиш ҳуқуқини чеклаш учун суд муурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

16 ёшга тўлмаган шахслар номидан уларнинг ота-оналари, васийлари (ҳомийлари), ушбу шахсларни хорижга юбораётган ташкилотларнинг вакиллари тегишли аризалар билан муурожаат қиладилар.

Шу тариқа, айни пайтда собиқ турмуш ўртоғининг Россия Федерацияси фуқароси ҳисобланса, вояга етмаган болангизнинг хорижга чиқиши учун унинг рухсати зарур бўлмайди.

Фуқароликка қабул қилишнинг янги тартиби

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги янги Қонун билан Ўзбекистон фуқаролигига қабул қилиш қисмига қандай ўзгартиришлар киритилган?

– 2020 йил сентябрь ойида «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги Қонун (13.03.2020 йилдаги ЎРҚ-610-сон) кучга киради. Ҳужжатда белгиланишича, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш қуйдаги тартибда амалга оширилади:

– умумий тартибда;

– соддалаштирилган тартибда;

– алоҳида тартибда (Қонуннинг 18-моддаси).

Фуқаролиқни қабул қилишнинг умумий тартиби чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан қуйдаги ҳолларда амалга оширилади, агар у (Қонуннинг 19-моддаси):

а) чет давлат фуқаролигидан чиқишни расмийлаштирган бўлса;

б) фуқаролиги бўлмаган шахсга яшаш гувоҳномаси олинган кундан эътиборан ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига қабул қилиш тўғрисидаги илтимоснома билан муурожаат қилган кунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде узлуксиз 5 йил давомида доимий яшаб келаётган бўлса;

в) тирикчилиқнинг қонуний манбаига эга бўлса;

г) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

д) давлат тилини мулоқот қилиш учун зарур даражада билса. Давлат тилини билиш даражасини аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

«б» бандда назарда тутилган шарт Ўзбекистон Республикаси фуқароси билан никоҳда бўлган ва никоҳ тузилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде турмуш ўртоғи билан биргаликда узлуксиз 3 йил давомида яшаб келаётган фуқаролиги бўлмаган шахсга нисбатан татбиқ этилмайди.

Бунда, агар фуқаролиги бўлмаган шахс 1 йил ичида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига жами 183 кундан ортиқ бўлмаган муддатга чиққан бўлса, Ўзбекистон ҳудудиде яшалган муддат узлуксиз деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилишнинг соддалаштирилган тартиби чет давлат фуқароси бўлган ёки фуқаролиги бўлмаган шахс ҳисобланган ватандошга нисбатан қуйдаги ҳолларда амалга оширилади, агар у (Қонуннинг 20-моддаси):

а) Ўзбекистон Республикаси ҳудудиде яшайдиган ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган, насл-

насаб шажараси бўйича тўғри туташган лояқат битта ўзидан олдинги қариндошга эга бўлса;

б) тирикчилиқнинг қонуний манбаига эга бўлса;

в) Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига риоя этиш мажбуриятини ўз зиммасига олса;

г) давлат тилини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулоқот қилиш учун зарур даражада билса.

«а» бандда назарда тутилган шарт илм-фан ва илмий фаолият, техника, маданият ҳамда спорт соҳасида катта ютуқларга эга бўлган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси учун манфаатли касбга ёхуд малакага эга бўлган ватандошга ва (ёки) унинг оила аъзоларига нисбатан ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Фуқаролик масалалари комиссияси материалларни қўриб чиқади ва Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини юқорида айтиб ўтилган шахсларга бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида Президентга таклифлар киритади.

Қабул қилинган қарор асосида шахсга, агар у фуқароси бўлган давлат фуқаролигидан чиқадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини бериш тўғрисида қафолат хати берилади.

Кафолат хатининг амал қилиш муддати – 1 йил. Комиссиянинг қарорига биноан қафолат хатининг амал қилиш муддати яна 1 йилга узайтирилиши мумкин. Кафолат хати ички ишлар органи ёки консуллик муассасаси томонидан ариза берувчига ёки унинг қонуний вакилига топширилади ёхуд почта орқали юборилади.

Фуқароликка қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Перзидентининг Фармонида мувофиқ ариза берувчи чет давлат фуқаролигидан чиққанлиги ҳақида ҳужжат тақдим этганидан кейин амалга оширилади.


Президент миллий манфаатлардан келиб чиқиб, чет давлатларнинг фуқаролигига ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга ушбу Қонуннинг 19 ва 20-моддалари талаблари қўлланилмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини бериши мумкин (Қонуннинг 21-моддаси).

Паспорт – яшаш жойи бўйича

Ҳарбий хизматдан қайтганимга кўп бўлмади. Бироқ ҳақиқатда яшайдиган жойим бўйича паспорт олиш учун муурожаат қилишим мумкинми?

Пропискам йўқлигига қарамай, ҳақиқатда яшайдиган жойим бўйича паспорт олиш учун муурожаат қилишим мумкинми?

– Ҳа, мумкин. Ҳарбий хизматчи хизмат тугаганидан кейин бир ой муддатдан кечиктирмай доимий рўйхатда турадиган жойидаги маълумотларни йиғиш пунктига паспортни расмийлаштириш учун муурожаат этиши шарт.



Ҳарбий хизматчининг доимий рўйхати мавжуд бўлмаган тақдирда паспорт олиш учун олдинги рўйхатда турган жойи ёки туғилган жойи ёхуд амалда яшаб турган жойи бўйича маълумотларни йиғиш пунктига муурожаат қилиши мумкин (Низомнинг 9-банди, ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова).

Шу тариқа, доимий пропискангиз бўлмаса, ҳеч қандай муаммосиз яшаш жойингиздаги МваФР бўлимига муурожаат қилишингиз мумкин, у ерда ЎЗР Қуролли Кучлари сафида ҳарбий хизматни ўтаган ва захирага бўшатилган ҳамда паспорти бўлмаган ҳарбий хизматчиларга Қуролли Кучлар офицери ёки контракт бўйича ҳарбий хизматчисига шахсни тасдиқловчи гувоҳномаларга асосан паспорт берилади.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma» МЧК эксперти.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР


Махсус транспортни ўтказиб юбордингизми – жарима солинмайди

21.07.2020 йилдаги ЎРҚ-629-сон Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган тузатишлар билан ҳайдовчиларнинг тезкор ва махсус хизматлар транспортлари билан ўзаро муносабатлари тартибга солинди.

Тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёҳуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигнал билан яқинлашиб келаётган транспорт воситалари тўқсиз ўтиб кетишга ҳақлидир. Улар яқинлашганда қолган ҳайдовчилар йўл беришлари шарт (Йўл ҳаракати қоидаларининг 26-банди).

Айрим ҳолатларда қоидаларни бузмай туриб йўл беришнинг имкони бўлмайди, ҳайдовчи йўл бериш учун, масалан, тўхташ чизигини ёки йўл ўртасидаги чизикли белгини кесиб ўтишга мажбур бўлади. Бироқ бундай ҳуқуқбузарликлар камерада қайд этилади ва автомобиль ҳайдовчиларига жарима ёзилади. Ҳайдовчи шундай ҳолатда қоладики, у жарима тўлаб зарар кўрмаслик учун махсус автомобилга йўл бермасликни танлашга мажбур бўлади. Бу, ўз навбатида, махсус хизматлар фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.



Тузатишлар билан ушбу ҳолат бартараф этилди – ҳайдовчилар бундай вазиятда жавобгарликдан озод этилади. Мазкур ҳолатда камерада қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарлик зарурат туфайли содир этилган ҳисобланади. Бундай иш кўрилиши МЖТКнинг 271-моддасига мувофиқ тўхтатилади.

Шу билан бирга, тўқсинлик қилиш ёки авария ҳолатига сабабчи бўлиш, йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига чиқиб кетиш ҳолатлари маъмурий жарима қўлланилганидан кейин ҳайдовчилар томонидан бир йил ичида такроран содир этилганлиги учун жарима миқдори (МЖТКнинг 128-моддаси 3-қисми) 20 БХМдан 25 БХМгача оширилди. Бунда қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

а) бунинг учун альтернатив жазо чораси сифатида, илгаригидек, 1 йил муддатга ҳайдовчилик гувоҳномасидан маҳрум қилиш назарда тутилган;

б) биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги учун жарима миқдори ўзгартирилмади ва қуйидаги миқдорларни ташкил этади:

➢ тезкор ва махсус хизматларнинг кўк ёки қизил ёҳуд кўк ва қизил рангли ялтироқ маёқчани ёққан ҳолда ҳамда махсус товушли сигнал билан яқинлашиб келаётган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига ҳалақит берганлик учун – 5 БХМ;

➢ йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига чиқиш, худди шунингдек авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизлигини ёҳуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун – 10 БХМ.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.07.2020 йилдан қучга кирган.

Олег Заманов.

СУГУРТАЛАШ АМАЛИЁТИ

Автокредитни муддатидан олдин сўндирган қарз олувчи суғурта мукофотининг бир қисmini қайтаришни мўлжаллаган. Бироқ суғурта компанияси унга тўлов тўлашни рад этди. Ушбу ҳолатни Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ижтимоий ва молиявий хизматлар, шунингдек алоқа хизматлари соҳасида истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи Лочинбек Исабеков шарҳлаб берди.

Автокредитни муддатидан олдин сўндиришнинг ўзига хос жиҳатлари

– Автокредитни расмийлаштиришда сотиб олинаётган машина банкинг гарови, қарзга олинаётган пулларнинг қайтарилиш кафолати бўлади. Шу боис автомобилни қарз муддатига суғурталаш лозим. Бинобарин, кредит 4 йилга расмийлаштирилган бўлса, суғурта компаниясининг шартномасига мувофиқ белгиланган фоизни (сумма-ни) қайта тўлашга тўғри келади.

ВАЗИЯТ. Фуқаро автомобилни хусусий банк орқали сотиб олди, кредитни 48 ойга расмийлаштирган. Шундай муддатга суғурта компанияси билан 3 312 000 сўмлик шартнома тузган. Автомобиль сотиб олганига бир йил бўлган, кредитни муддатидан олдин сўндирган.

Сўнара суғурта компаниясига тўланган суғурталаш суммасининг бир қисmini қайтариб беришлари учун мурожаат қилган, бироқ суғурталовчилар буни рад этишган. Уларнинг фикрича, кредит ва суғурталаш шартномалари бир-бирига боғлиқ эмаслиги сабабли қарз муддатидан олдин сўндирилганда мижоз суғурталаш бўйича пул маблағларининг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли эмас.

Суғурта шартномасига суғурталаш қийматининг бир қисми қайтарилмаслиги тўғрисидаги банд киритилганлиги маълум бўлган. Хусусан, «Автокредит» суғурта шартномасининг 11.2-бандида шундай дейилган: суғурталовчи томонидан мажбуриятлар бузилганлиги сабабли шартнома муддатидан олдин бекор қилинганда тўланган суғурта мукофоти тўлиқ миқдорда қайтарилади. Ушбу шартноманинг 11.3-бандида назарда тутилишича, суғурталовчи шартноманинг 11.2-бандида боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра шартномани муддатидан олдин бекор қилишни талаб қилса тўланган бонус қайтарилмайди.

Бу қонунийми?

Суғурта компанияси шартномасининг кўрсатиб ўтилган бандлари Фуқаролик кодексининг 948-«Суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш» моддасига, шунингдек «Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 21-«Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини камситувчи шартнома шартлари ҳақиқий ҳисобланмаслиги» моддаси талабларига зиддир.

Қонун бўйича истеъмомчилар ҳуқуқларини камситувчи ва қонунчиликка зид бўл-



ган шартнома шартлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Уларни қўллаш натижасида истеъмомчилар зарар етказилган бўлса, улар тайёрловчи (бажарувчи, сотувчи) томонидан қоплашни лозим.

Суғурта ҳодисаси ёки суғурта хатари юз бериши эҳтимоли йўқолган тақдирда суғурта шартномаси муддатидан олдин бекор қилишда, суғурталовчи суғурта амал қилган муддат мобайнида ушбу вақтга мутаносиб равишда мукофотнинг бир қисmini олишга ҳақли бўлади. Кредит сўндирилган бўлса, суғурта шартномаси аҳамиятини йўқотади. У бўйича тўлов иложсиз бўлади, чунки автосалон ва қарздорни энди ҳеч қандай мажбуриятлар боғлаб турмайди.

Узоқ музокаралар натижасида...

Истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ижтимоий ва молиявий хизматлар, шунингдек алоқа хизматлари соҳасида истеъмомчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси томонидан суғурта компаниясига тушунтириш тусидаги хат бир неча марта юборилган.

Агентлик суғурта компанияси билан олиб борган узоқ музокаралар натижасида истеъмомчиларга 635 745 сўм миқдоридан пул маблағлари қайтарилишига эришган. Суғурта учун тўланган 3 312 000 сўмдан 2 542 981 сўм қайтарилган. Улардан хизмат харажатлари учун фақат 769 019 сўм ушлаб қолинган, бу жами сумманинг 23%ини ташкил этади.

Мазкур ҳолат тузилган шартномалар шартларини белгилашдан бошлаб то улар бажарилганига қадар суғурталаш соҳасида муаммолар мавжудлигидан далолат беради. Бугунги кунда автокредитни расмийлаштиришда суғурталаш мажбурийдир. Бунда муддатидан олдин пуллари банкка қайтарган қарз олувчилар кредит олишда расмийлаштирилган суғурталаш пулининг бир қисmini қайтариб олишга ҳақлилиги Қонун билан мустаҳкамланган.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИКЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma» МЧЖ

Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.

Рўйхат рақами 0074.

Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Саҳифаловчи
Раъно
ИСМАИЛОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. (71) 200-00-90
Обуна бўлими тел. (71) 200-00-30
E-mail: shx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва харид қилиш
масалалари бўйича (71) 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;
Рекламини жойлаштириш бўйича
(71) 231-07-91 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «TOPPRINT» МЧЖнинг компьютер базасида теринди ва саноқланган.
Нашр қўрсаткичи – 186. Қўзғал бичими – А3. Ҳарфи – 2 босма табоқ. Баҳоми келишилган нархда.
Буюртма г-822. Адади 560. Газета 2020 йил 3 август соат 15.30 да топирилди.